

УЎК: 81'374

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences

Содержание автореферата диссертации доктора филологии (PhD)
по филологическим наукам

Эшбоев Қахрамон Бакир ўғли
Сўзлараро даражаланиш ўқув лугатини тузиш асослари.....3

Eshboev Qahramon Bakir ugli
Basics of compiling educational dictionary of interword graduality.....25

Эшбоев Қахрамон Бакир угли
Основаы составления учебного словаря градуонимии слов.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ.....49

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБОЕВ ҚАХРАМОН БАКИР ЎҒЛИ

СЎЗЛАРАРО ДАРАЖАЛАНИШ ЎҚУВ ЛУГАТИНИ ТУЗИШ
АСОСЛАРИ

10.00.11 – Тил назариси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.Phd/Fil2357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.adi.uz) ҳамда "Ziyoue" Ахборот-таълим портали www.ziyoue.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Раунова Лайло Рахимовна
Филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Набиева Дилоро Абдухамидовна
Филология фанлари доктори, профессор
Джумабаева Жамила Шариповна
Филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Термиз давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" *16.03.2022* соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй. Телефон/факс.: 0 (374-45-11) 223 88 30, e-mail: agsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. *14* рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: (Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223 88 14).

Диссертация авторферати 2022 йил "14" *14.03.2022* да тарқатилди.
(2022-йил " " " - рақамли ресстр байномаси).



Ш.Х.Шахабидинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. (PhD)

М.Э.Умарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг назарий-амалий масалаларига қаратилаётган тадқиқотлар кўлами ҳар қачонгидан кўра кенгаймоқда. Хусусан, тил таълимининг дидактик воситалари ва уларнинг ўқув жараёнига таъбиқи билан боғлиқ масала ҳамда вазифалар тадқиқига эътибор кучайди. Тил бирликларининг ўзаро семантик муносабатлари сирасида даражаланиш ўзига хос аҳамият касб этиши тилшуносликнинг кейинги давридаги тадқиқотлари орқали янада ойдинлашмоқда. Бу эса даражаланиш ходисасини замонавий парадигмалар асосида ўрганиш, даражаланиш муносабатига асосланган сўзларнинг лексикографик талқинларини замонавий таълим олувчининг талабларига монанд тарзда яратиш, уларнинг лингводидактик, психоллингвистик тамойилларга мослигини таъминлаш заруриятини кўрсатади.

Дунё тилшунослигида тилнинг коммуникатив вазифасини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида қараладиган таълимий лугатларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш масаласи кун тартибидати долзарб вазифалардан саналади. Маълумки, ўқув лугатлари тил бирликларини ўзига акс эттириш билан бирга уларни тақдим қилишнинг турли тамойил ва усулларини ҳам кўрсатади. Лугавий бирликларнинг лисоний маънолари хуусидаги билimler, уларни фаолиятда қўллаш кўникмасини шакллантириш ҳам ўқув лугатларининг асосий масаласи доирасида қайд қилинади. Фикрни таъсирчан ва самарали ифодалаш имкониятларини юзага чиқарувчи лугавий бирликларни даражаланиш муносабатига асосланган таълимнинг асосий лингводидактик воситалари мисолида тадқиқ қилиш замонавий лугатчиликнинг назарий-амалий масалалари ечими учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ўзбек тилининг тадқиқи ва таълими масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Давлат тили мақомидаги ўзбек тилининг тадқиқи, таълими ва таъбиқи борасидаги кен қўлмали ислохотлар қисқа давр ичида ўз самарасини бераётгани барчага бирдек аён. Амалга оширилаётган бу сиёсат ўзбек тилининг таракқиётини таъминлашнинг муҳим ва бирламчи омилдир. "Таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нуққ маданиятини ошириш" ана шу сиёсатнинг асосини ташкил қилади. Бу эса ўзбек тилшунослигида бир қатор муҳим вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо қилади. Хусусан, ўзбек амалий тилшунослиги, ўқув лугатчилигини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш, ахборот технологияларига асосланган янги авлод ўқув лугатларини яратиш, уларнинг самардорлигини

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // www.lex.uz

таъминлаш кабилар шулар жумласидандир. Янги авлод сўзлар даражаланиш ўқув лугатини тузиш, таълимнинг турли бўғинларига мос равишда яратилиш масаласи танланган мавзунинг долзарб эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида"ги 4797-сон Фармони, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори, 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги ПҚ-4479-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон қарори, 2021 йил 5 июлдаги 419-сон қарори билан тасдиқланган "Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти тўғрисида"ги низом, 2020 йил 29 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 40-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишнинг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида даражаланиш (традуонимия) ҳодисаси билан боғлиқ назариялар, қарашлар дастлаб С.Д.Качнельсон², И.Р.Гальперин³, О.Есперсен⁴, Ю.С.Степанов⁵,

С.М.Колесникова⁶, С.Кеннеди, Л.Макнелли⁷, С.Н.Переволочанская⁸, Е.Д.Арбатская, Д.И.Арбатская⁹ каби тилшуносларнинг илмий тадқиқотларида кузатилади.

Даражаланиш ҳодисасининг тил сатҳида намоён бўлиши билан боғлиқ илмий изланишлар ўзбек тилшунослигида Х.Нёвматов, Р.Расулов¹⁰, Р.Сафарова¹¹, О.Базаров¹², Ш.Орифжонов¹³, Л.Худойбердиева¹⁴, Н.Ширинова¹⁵, Ж.Джумабаева¹⁶, Л.Н.Элмуродова¹⁷, Ф.Рахмонов¹⁸, М.Отабоева¹⁹ каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Жаҳон тилшунослигида ўқув лексикографияси бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган. С.Жонсон²⁰, Е.М.Верещатин, В.Г.Костамаров²¹, В.В.Дубчинский²², П.Н.Денисов²³, В.В.Морковкин²⁴, Л.А.Новиков²⁵ каби тилшуносларнинг илмий назарияларидан бошланган ўқув лексикографияси масалалари ўзбек тилшунослигида А.Хожиев²⁶, Ш.Рахмагуллаев²⁷,

⁶ Колесникова С.М. Категория радикальности в современном русском языке: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1999. – 214 с.

⁷ Kennedy S., McNally L. Scale structure, degree modification and the semantics of gradable predicates // Language. 2005. № 81 (2).

⁸ Переволочанская С.Н. Смысловые градации в рамках синонимических отношений // Нижегородская: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2008, № 4.

⁹ Арбатская Е.Д., Арбатская Д.И. О лексико-семантических классах имен прилагательных русского языка // Вопросы языкознания. 1983, № 1.

¹⁰ Нёвматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи 1995. – 128 б.

¹¹ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (На материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 20 с.

¹² Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 51 б.

¹³ Орифжонов Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 28 б.

¹⁴ Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.

¹⁵ Ширинова Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият мультимарини фарқлаш востиллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

¹⁶ Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 82 б.

¹⁷ Элмуродова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (Белги даражаси микромайдони): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.

¹⁸ Рахмонов Ф. Ўзбек тилида лугавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. – Фаргона, 2018. – 149 б.

¹⁹ Отабоева М. Ўзбек ва инглиз тилларида феъллар градуонимияси: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. – Андижон, 2022. – 172 б.

²⁰ Johnson S. The Plan of a Dictionary. – L., 1747.

²¹ Верещатин Е.М., Костомаров В.Г. Об учебном лингвострановедческом словаре безэквивалентной лексики // Лингвострановедческий аспект преподавания русского языка иностранцам. – М., 1974.

²² Дубчинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография // Wiener slavistischer almanach. Sonderband 45. – Вена; Харьков, 1998. – 160 с.

²³ Денисов П.Н. Учебная лексикография: итоги и перспективы // Проблемы учебной лексикографии. – М., 1977.

²⁴ Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии. – М., 1990.

²⁵ Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопр. учебной лексикографии. – М., 1969.

²⁶ Хожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳи лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

²⁷ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili: Darslik. – Toshkent: Universitet, 2006. – 476 б.

² Качнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М., Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.

³ Гальперин И.Р. Stylistics. – М.: Высшая школа, 1971. – 221 с.

⁴ Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 375 с.

⁵ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1975. – 38 с.

А.Нурмонов²⁸, Х.Незьматов²⁹, М.Умарходжаев³⁰, А.Мадвалиев³¹, Н.Махмудов³², Р.Сайфуллаева³³, М.Миртожиев³⁴, Б.Менглиев³⁵, Н.Улуқов³⁶, Ш.Шахбигдинова³⁷, Л.Раупова³⁸, Б.Бахриддинова³⁹ сингари тилшунослар томонидан илмий-амалий тадқиқини топди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилидан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сўзлар даражаланиши ўқув лугатининг таркибий қурилмасини, даражаланиш қаторини шакллантириш, лексикографик тавсифлаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тил ходисаларида даражаланишнинг намоён бўлиши, унинг бошқа лексик-семантик парадигма (синонимия, антонимия, омонимия, меронимия)лар билан муносабатини текшириш, градуонимик муносабат ҳақидаги илмий ёндашувларга муносабат билдириш;

тилдаги мавжуд даражаланиш қонуниятининг лексикографик аҳамиятини ёритиш;

²⁸ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи: Олий ўқув юрталари ўзбек филологияси факультетларининг талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Рустамов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2002. — 232 б.

²⁹ Незьматов Х., Раулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 128 б.

³⁰ Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. Дисс. ... докт. филол. наук. — Андижан, 1980. — 340 с.; Умарходжаев М., Аъзамов О. Немисча-Ўзбекча зловним компонентли фразеологизмлар ўқув лугати. — Андижан, 2015. — 111 б.

³¹ Онлайн энциклопедия. Лексикография. А.Мадвалиев. <https://qopqs.info/encyclopedial/>, Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўшлам. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. — 384 б.

³² Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўқитишларининг изоҳли лугати. — Тошкент: Маънавият, 2013. — 320 б.; Mahmudov N. "So'z sandiqchasi". O'zbek tilining izohli lug'atlashi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun. — Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. — 215 б.

³³ Сайфуллаева Р., Эназаров Т. Ўқув лугатлари яратилиш — долзарб вазифа // “Тил ва адабиёт таълими”, 2007. — № 4. — Б. 4-6.

³⁴ Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ЎЗМУ нашриёти, 2007. — 79 б.

³⁵ Менглиев Б.Р., Бахриддинова Б.М. Ўқув лугатчилиги: талаб ва эhtiёж / “Айюб Ғулум ва ўзбек тилшунослиги масалалари”. Илмий тўшлам. — Тошкент, 2009. — Б. 34-41; Менглиев Б.Р., Бахриддинова Б.М. Ўқув лугатлари // “Маърифат” газетаси, 2013 й., — № 82.

³⁶ Uluqov N. Lingvistik kompetentlikni shakllantirish omillari // “Til va adabiyot ta’limi”, 2018-yil, 6-son. — B. 16-18.

³⁷ Шахбигдинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. — Самарканд, 1993. — 20 б.

³⁸ Raipova L., Normurodova N., Mengliyev B., Elov B., Abjalova M. “O'zbek tilining ta'limiy korpusini yaratish” nomi amaliy loyihasi xususida // “O'zbek tili taraqqiyoti va xalqaro hamkorlik masalalari” mavzusidagi xalqaro konferensiya materiallari. Toshkent, 2021. — № 01. — B. 8-14.

³⁹ Бахриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув лугатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. — Самарканд, 2020. — 266 б.

Ўзбек тилининг мавжуд сўзлар даражаланиш лугатини такомиллаштиришга хизмат қилувчи тавсиялар бериш;

ўзаро даражаланиш муносабатига асосланган сўзларнинг даражаланиш ҳосил қилувчи белгиларини аниқлаш, шу асосда даражаланиш қаторларини тузиш;

сўзлар даражаланиши ўқув лугатининг ташқи ва ички таркибий қурилмасини ишлаб чиқиш;

сўзларро даражаланиш ўқув лугатлари учун тил бирликларини танлаш ва тартиблантириш;

таълим тизимининг турли босқичлари учун мўлжалланган сўзларнинг даражаланиш муносабатига асосланган ўқув лугатларини яратишнинг лингводидактик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти — “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”⁴⁰, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув лугати”⁴¹, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати”⁴² даги даражаланиш қаторини ҳосил қилишда иштирок этувчи лугавий бирликлар.

Тадқиқотнинг предметини сўзларро даражаланиш муносабати, сўзлар даражаланиши ўқув лугатини тузишнинг лингводидактик асослари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда статистик таҳлил, семантик таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

даражаланиш ҳодисаси ва унинг лингвистик талқини масаласидаги қарашлар таҳлили орқали лексик даражаланишнинг ифода сема ҳамда аташ семага таънувчи лисоний асослари ойдинлаштирилган;

қаторни ташкил қилувчи лексик бирликларнинг даражаланишини таъминлайдиган денотатив, коннотатив ва функционал омилларнинг ҳамкорлиги ҳамда кучайиш ва кучсизланиш ҳолатлари аниқланган;

боғча тарбияланувчилари, бошланғич ва таъин сифлар учун сўзлар даражаланиши ўқув лугатига сўз танлашда шахс ёш хусусиятларини инобатга олиш, сўз маъносининг мураккаблик даражаси, қўлланиш даври ва микдорини аниқлаш, услубий хосланганлик хусусиятларини аниқлашдан иборат лингводидактик асослари ишлаб чиқилган;

янги замонавий сўзлар даражаланиши ўқув лугатининг таркибий қурилмаси, даражаланиш қаторини шакллантириш ва лексикографик талқинда аниқлик, ихчамлик, фарқлилик, умумийлик ва хусусийлик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади: тадқиқотда келтирилган материаллар ва чиқарилган хулосалар градуонимия

⁴⁰ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-, 2-, 3-, 4-, 5-жилдлар. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

⁴¹ Божбонедов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув лугати. — Тошкент: Янги асар авлоди, 2007. — 39 б.

⁴² Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1974. — 308 б.

ҳақидаги фикрларни тўлдириш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилган, шунингдек, даражаланиш қаторлари тузиш тамойиллари асосида яратилган градуономик лугатларда амалий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги далилланган;

синонимик ва градуономик лугатларнинг самардорлигини ошириш, тушунарлиликни таъминлаш мақсадига қаратилган лексикографик талқинлар амалга оширилган, синонимик ва градуономик муносабатдаги сўзларнинг лексикографик тавсифларини мукамаллаштириш, синонимик муносабатли сўзларнинг даражаланиш қаторларидаги ўрни ва тавсифини алоҳида индекслаш таклифи киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқ қилинган материалларнинг ўзбек тили табиатида мослиги, шунингдек, даражаланиш муносабатини тавсифлаш ва унинг лексикографик талқинида республикамиз ҳамда хоризг олимларининг назарий фикрларига таянганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг статистик, семантик, компонент таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қислаш усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади. Республика ва халқаро миқёдаги илмий-методик ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақола, хулосаларнинг амалиёда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти даражаланиш ходисаси ва унинг талқини ҳамда таснифлини лингвистик тамойиллар асосида амалга ошириш, баҳолаш, Ўзбекистон таълим тизимининг турли бўғинлари учун мўлжалланган сўзлар даражаланиши ўқув лугатларини тузиш асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Тилшунослик назарияси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикология”, “Лексикография”, “Амалий тилшунослик”, “Семасиология”, “Ўзбек ўқув лугатчилиги”, “Қорпус тилшунослиги” фанларига оид дарслик, ўқув қўлланма, лугатлар, жумладан, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув лугати”ни яратишда манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўзларро даражаланиш ўқув лугатини тузиш асосларини аниқлаш, аниқланган тамойилларни тартиблаштириш самарасида олинган натижалар асосида: даражаланиш ходисаси ва унинг лингвистик талқини масаласидаги қарашлар таҳлили орқали лексик даражаланишнинг ифода сема ҳамда аташ семага таянувчи лисоний асосларига доир натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг FA-F1-G003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 октябрдаги 17.01/269-сон маълумотномаси). Натижада сўз ясалишига оид назарий қарашларни

далиллаш учун келтирилган мисолларнинг илмий асосларига эълоғи таъминланган;

қаторни ташкил қилувчи лексик бирликларнинг даражаланишини таъминлайдиган денотатив, коннотатив ва функционал омиллларнинг ҳамкорлиги ҳамда кучайиш ва кучсизланиш ҳолатларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг FA-F1-G007 рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 октябрдаги 17.01/269-сон маълумотномаси). Натижада барқарор бирикмалар таркибиде иштирок этувчи лексик бирликларнинг маъно ифодалаш, нутқ таъсирчанлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини баҳолашнинг лисоний-баддий асосларини тавсифлаш имконини берган;

боғча тарбияланувчилари, бошланғич ва таянч синфлар учун сўзлар даражаланиши ўқув лугатига сўз танлашда шахс ёш хусусиятларини инобатга олиш, сўз маъносининг мураккаблик даражаси, қўлланиш даври ва миқдорини аниқлаш, услубий хосланганлик хусусиятларини аниқлашдан иборат лингводидактик асосларига оид хулосалардан ҳамда янги замонавий сўзлар даражаланиши ўқув лугатининг таркибий қурилмаси, даражаланиш қаторини шакллантириш ва лексикографик талқинда аниқлик, ихчамлик, фарқлилик, умумийлик ва хусусийлик мезонлари хусусидаги хулосалардан давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУнинг I-OT-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (нисон қиёфаси, феъл-атвори таънаб ва миллий тинсоллар таъвири) поэтик лугатини яратиш” мавзусидаги амалий инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУнинг 2022 йил 7 майдаги 04/1-883-сон маълумотномаси). Натижада поэтик лугат мақолалари тавсифининг мукамаллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. 3 та халқаро конференция, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот манзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК тасаруф этган илмий журналларда 4 та, хорижий журналда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни

амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Тилшуносликда даражаланиш қонуниятининг илмий талқини ва лугатларда сўзлараро маъновий даражаланиш хусусиятлари” деб номланувчи биринчи боби градуонимия ходисасининг тилшуносликдаги тадқиқи, унинг академик ҳамда ўқув лугатлардаги лексикография талқини масаласига қаратилган.

“Тилшуносликда даражаланиш қонуниятининг илмий талқини” деб номланган биринчи фаслда тилшуносликда градуонимия ходисасининг вужудга келиши, ушбу ходиса доирасидаги тушунчалар тадқиқи масаласига эътибор қаратилган. Рус тилшунослигида Н.С.Трубецкой ва Р.Якобсон ўз ишларида фонемаларнинг градуал (даражали) оппозиция (зиддият)лари маълум бир белгининг озлик, кўллик даражаси асосида турли вазиятларда ўзаро зидлланиш ҳақида муҳим маълумотлар бериб ўтган⁴³. О.Есперсен контраг тушунчалар орасида оралик ҳолатларнинг ҳам мавжуд бўла оlishи ва улар лексик бирликлар орқали ифодаланishi (*дом – баъзан – ҳеч қачон; кўп – бир қанча – оз каби*) ҳақиқат эканлигини⁴⁴ таъкидлайди. С.Д.Кацнельсонга кўра, бир рангдан иккинчи рангга ўтиш жараёнида оралик ҳолатлар мавжуд бўлади ва улар ҳам тилда сўзлар орқали ифодаланadi (*қизилиш - қизил - қирмизи каби*).

Даражаланиш ходисасининг намоён бўлишига оид ифодани “Муҳокамат-ул лугатайн” асарида ҳам учратамиз. Буюк мутафаккир ўзбек тилининг ифода имкониятлари кенглигини далиллаш жараёнида *ийеламоқ* феълининг ва бошқа сўзларнинг синонимларини тахлил қилади, форс-тожик тили сўзлари билан қиёслайди. Бу ҳолат даражаланиш ходисаси ижод ахлларининг ҳам эътиборини тортганлигидан далолат беради. Навоий *ийги* ҳолатини ифодаловчи лексик бирликларнинг қуйдаги даражаланиш қаторини ажратади:

инграмоқ-синграмоқ-ийеламсинмоқ-сиқтамоқ-ийеламоқ-ўқурмак-ҳой-ҳой ийеламоқ.

Навоий бу сўзларнинг барчасини бир умумий маъно – изтироб чекиб, уни ифодалаш маъноси агрофига бирлашини ва *инграмоқдан* (яъни изтироб чекиб жуда паст овоз чиқариб, ич-ичидан йиғламоқ) *ҳой-ҳой ийеламоқ* (баланд овоз билан ошқора ва узоқ йиғламоқ) сўзига томон белги даражасининг ўсиб боришини таъкидлайди⁴⁵. Маълум бўладики, Алишер Навоий сўзларнинг маъновий даражаланиши орқали поэтик тасвир самардорлигини таъминлашга эришади.

Градуонимия ходисаси ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида тадқиқот объекти сифатида олиниб, лугавий-маъновий муносабатнинг алоҳида бир тури мақомида тадқиқ қилинди. Градуонимия

“...лисоний маъновий муносабатларни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий тарқибий қисми бўлган – *онимия* қисминини лотинча *gradus* (*даража, босқич*) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди. Бу ходиса 1990 йилда тилшунос Р.Сафарованинг номзодлик диссертациясида илмий фараз сифатида берилган бўлса, лугавий даражаланиш олима Ш.Орифжонованинг номзодлик диссертациясида атрофлича тадқиқ этилди”⁴⁶.

Тилшунос О.Базаров томонидан градуонимия (даражаланиш)нинг фонетик, фонологик, морфологик, синтактик, стилистик саҳт бирликлари орасида ҳам мавжудлиги хусусидаги илмий қарашлар кун тартибига қўйилди. “У фанда илк марта лисоний даражаланишнинг лингвистик қонуният эканлигини исботлаб, даражаланиш механизми ва ходисасининг табиий-онтологик моҳиятини очиб берди”⁴⁷.

Тилшунос олима Ж.Джумабаева томонидан градуонимия ходисаси ўзбек ва инглиз тиллари материаллари қиёси асосида тадқиқ этилган⁴⁸. У градуонимияни умумлингвистик ходиса сифатида тавсифлади; ўзбек ва инглиз тилларидаги лексик градуонимик қаторларнинг ҳосил бўлиш йўллари аниқлади; ўзбек ва инглиз тилларидаги лексик градуонимиянинг семантик контекстуал хусусиятларини очиб берди; ўзбек ва инглиз тилларидаги стилистик градуонимияни тадқиқ этди ва фарқли хусусиятларини аниқлади.

“Академик лугатлар изоҳларида маъновий даражаланиш қонуниятининг намоён бўлиши” деб номланган тадқиқотнинг иккинчи фаслида “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ва “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати”даги даражаланиш лексемаларининг лексикография талқини масаласи ёритилган. “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугатида маъноси даражаланувчи сўзлар кўп ҳолларда синонимлар сирасида берилар эди. Албатта, градуонимия ходисаси махсус ажратилмагач, маъноси даражаланувчи сўзлар кўп ҳолатда турли синонимик уялар ичига тарқатиб юборилган. Бунинг ҳаққоний сабаблари ҳам мавжуд эди. Чунки синонимлар маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзларни ўз ичига олади”⁴⁹.

Градуонимия ва синонимия ходисаларининг ўзаро муносабати ҳақида О.Базаров ўз илмий ишида айрим маълумотларни беради, жумладан, у И.Г.Павловнинг фикрини қувватлаб, қуйидагича ёзади: “Градуонимия ва синонимия ходисалари асос белгиларига кўра кескин фарқланади. Зеро, синонимия икки ва ундан ортиқ лексема ва фраземалар семемаларининг айнанлигига асосланса, градуонимия семемалар асосий семалардаги

⁴⁶ Джумабаева Ж. Турли тизимли тилларида лексик ва стилистик градуонимия. Монография. – Тошкент, 2017. – Б. 5.

⁴⁷ Джумабаева Ж. Ўша манба. – Б. 6.

⁴⁸ Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 231 б.

⁴⁹ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 47.

градацияли фарқланувчиға таянади. Бундан синонимларда асосий маъноларнинг тенглиги, градуономияда эса, тенг эмаслиги маълум бўлади”⁵⁰.
Ўзбек тилидаги *сўдак* – *бола* – *ўстирин* – *тигит* сўзларини “*ёш*” семаси

асосида градуономик каторға бирлаштириш мумкин. Лекин ушбу бирлаштирувчи “*ёш*” семаси ушбу катордаги ҳар бир сўз учун турли даража ифодасидир. Демак, мазкур каторни умумий “*ёш*” маъно жиҳатидан бирлаштиради ва “*ёш*”нинг даражаланувчи тизимдаги маъно кирралари (1 *ёш* (*сўдак*) – 7 *ёш* (*бола*) – 15 *ёш* (*ўстирин*) – 20 *ёш* (*йигит*)) уларни фарқлайди. Сўнгги йилларда бу каби лексик каторлар (муносабатлар) градуономик (даража) каторлар (муносабатлар) сифатида қабул қилинамоқда⁵¹. Аслида бу таснифнинг илдини А.Навойнинг асарларидан излаш тўғри бўлади.

Алишер Навойнинг “Хазойин-ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) асарида инсон ёшига тегишли манткли фикрларни учратиш мумкин. Адиб умрнинг ҳар бир фаслларини девонига ном сифатида қабул қилган. Юқорида кайд қилинган “*ёш*” сема асосли градуономик катор билан А.Навой асаридаги *ёш* хусусияти билан боғлиқ фикрлар мантқан бир-бирини тўлдиреди.

Градуономик катор аъзоларини синонимик катор бирликларидан ажратишдаги асосий белги маъно ва мазмун жиҳатидан даражаларда фарқланишидир. Аммо хозирги кунгача кўпгина тиллардаги синонимлар лугатларида улар аралаш ҳолда келтирилиши градуономияни тушунишга, ажратишга тўқинлик қилмоқда. Сўзлар градуономик лугатларининг яратилиши синонимлар ва градуономларни ажратишга ёрдам беради.

“Ўқув лугатларида сўзларни беришда даражаланиш қонуниятининг намоён бўлиши” фаслида ўқув лугатчилиги ва сўнгги йилларда мактаб ўқувчилари учун яратилган ўқув лугатларида даражаланиш сўзларининг берилиши ва қўлланиши билан боғлиқ ёндашувлар таҳлил қилинган. Билямизки ўқув лугатчилиги лексикографиянинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида тан олинган. Профессор Б.Бахриддинова ўзининг “Ўзбекистонда ўқув лугатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари”⁵² номли диссертациясида замонавий ўқув лексикографияси масаласи ва вазифалари муҳокамасини кун тартибига олиб чиқади. Олиманин ушбу тадқиқотида ўқув лугатчилиги соҳасининг тадқиқи жаҳон тажрибаси мисолида атрофлича тавсифлаб берилган. Тилшунос ўқув лугатчилиги буйича жаҳон тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотларни алоҳида эътироф этади. Хусусан, С.Жонсон, Ж.Дюбуа, К.Дюбуа, Г.Магоре, Б.Кюмада, К.Д.Бак, Ж.Малкиэл, П.Н.Денисов, Л.А.Новиков, В.В.Морковкин, Л.В.Шерба, В.Г.Гак каби⁵³ тилшуносларнинг назарий ёндашувларини чуқур таҳлил қилади.

⁵⁰ Дркумбаева Ж. Турли тизимли тилларида лексик ва стилистик градуономия. Монография. – Тошкент, 2017. – Б. 92.

⁵¹ Рахмонов Ф. Ўзбек тилида лугавий синонимия ва градуономиянинг ўзаро муносабати: филол. фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Фаргона, 2018 – Б. 147.

⁵² Бахриддинова Б. Ўзбекистонда ўқув лугатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол. фан. докт (DSc) ... дисс. – Самарқанд, 2020. – 260 б.

⁵³ Бахриддинова Б. Ушпа манба. – Б. 73.

Шунингдек, бу борада В.Бланар, Е.М.Верещагин, В.Г.Костамавов, Л.В.Малаховский каби олимларнинг илмий изланишларини ҳам қайд қилиб ўтиш жоиз.

Айниқса, рус ўқув лексикографияси соҳасида П.Н.Денисов, Л.А.Новиков, В.В.Морковкин каби олимларнинг ишлари диққатга сазовор. “Ўқув лугатчилиги” термини илк марта Л.А.Новиков томонидан изоҳланган, ўқув лугатчилигининг вазифалари, муаммолари ва ўқув лугатининг ўзига хос турлари баён қилинган. Шунингдек, ўқув лексикографиясининг ёндош лексикографияга муносабатини қуйдагича изоҳлайди: “Академик лексикография билан таққослаганда ўқув лексикографияси ҳажман кичик ва катта таълимий мақсадга йўналтирилган лексикографиядир”⁵⁴.

“Ўқув лугати – лексикографияда лугатнинг мустақил кўриниши; таълимий йўналганлиги ва ўқув воситаси ҳисобланиши билан характерланади. Сўзликнинг тузлиши, сўз танлаш мезони, лугат материалининг жойлаштирилиши, лингвистик маълумотни тақдим этиш ва изоҳлаш усули, материални тақдим этиш тили, ҳажми, дизайни ва бошқа белгиларига кўра характерланади”⁵⁵. Демак, сўзлиги маълум бир мезон асосида тартибланган, ўқув-услубий талабга жавоб берадиган, таълим олувчининг коммуникатив компетенциясини шакллантириш учун хизмат қиладиган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этиш воситасига ўқув лугати, дейилади.

Ўзбек тилшунослигида сўзларнинг даражаланиш муносабатига асосланган илк ўқув лугат Ш.Бобожонов ва И.Исломов ҳаммуаллифлигида тузилган “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув лугати”дир. Мазкур лугатнинг “Сўзбоши”сида лугатнинг таркиби, тузлиши, лексикографик хусусиятлари билан бирга лугатни яратиш зарурати хусусида ҳам маълумотлар ёритилган. Ушбу лугат бу турдаги лугатларнинг илк намунаси бўлганлиги туфайли унда айрим камчилик ва ҳағолар ҳам мавжуд, ўқув лугати олдида қўйиладиган лингводидактик талабларга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Дарҳақиқат, лугат тузишининг ҳам ўзига хос лексикографик, лингводидактик меъёрий талаблари, мезонлари мавжуд. Ушбу лугатда сўзларнинг даражаланиш каторлари келтирилган бўлса-да, катордаги сўзлар лексикографик изоҳ билан таъминланмаган, унда сўзлар даражаланиши алифбо тартибиде, иллюстратив мисолларсиз градуономик катор ҳолида акс эттирилган. Ушбу лугат ўзбек тилида яратилмак замонавий даражаланиш ўқув лугатини яратиш учун бошланғич манба бўлиб хизмат қилиши билан аҳамият касб этишини инкор этиб бўлмайди. Кузатувимиздаги лугат таркибидан ўрин олган айрим даражаланиш каторларига эътибор қаратиб ўтиш жоиз:

Аччиқ – тахир – нордон – чучук – ширин;

(маза-таъмининг меъёридан ортиқ-камчилига кўра)

⁵⁴ Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. – М.: Изд. МГУ, 1969. – С. 3-11.

⁵⁵ Педагогический энциклопедический словарь / Редкол.: М.М. Безруких, В.А. Болотов, Л.С. Глебова и др.; Гл. ред. Б.М. Бим-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с. – С. 262.

Авалги — ҳозирги — кейинги;

(замон белгисига кўра)

Адоқ — бел — бош;

(жойлашиш ўрнининг юқорилигига кўра)

Айб — гуноҳ — жиноят

(ижтимоий зарарнинг kuchliligiga кўра)³⁶ каби.

Келтирилган мисоллардан маълумки, сўзларнинг даражаланиш каторини тузишга асос бўлган белги умумий тарзда берилган бўлиб, денотатив белгисига кўра даражаланиш каторлари сифатида белгиланиши мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу луғат ўзбек тилида даражаланиш муносабатига асосланган луғатнинг илк намунаси сифатида ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга бўлиши табиий. Тилшунослигимизда бу турдаги луғатларнинг методик таъминоти ҳам хали тўлиқ яратилмаган. Мазкур луғат ҳам фойдаланувчининг тўлиқ луғат устида ишлашига амалий ёрдам берувчи услубий кўрсатмага эга эмас. Бу, албатта, тилшунослигимиз олдида турган лингводидактик тадқиқотлар, педагогик лексикография йўналишлари тараққиёти билан боғлиқ вазифалардандир.

Биз тадқиқотимиз давомида тақлиф қилаётган янги, замонавий ўқув-услубий талабга жавоб берадиган даражаланиш ўқув луғати юқорида кайд килинган луғатдан фарқ қилади. Луғат “Сўз боши” мавзуси остида, градуономмик катордан ташкил топиб, каторнинг куйи қисмидан даражаланиш каторидаги ҳар бир сўзга изоҳ берилади, зарур бўлган ҳолларда иллюстратив мисоллар келтирилади ҳамда сўзлар луғат белгилари билан таъминланади. Шунингдек, ҳар бир тоифа гуруҳи учун алоҳида тузиладиган ўқув луғатида боғча тарбияланувчилари учун, бошланғич синфлар учун ва таянч синфлар учун фойдаланувчиларнинг ёш хусусияти ҳам эътиборга олинади, шу асосда тарбияланувчилари учун энг содда, тушунарлик даражаси осон бўлган сўзлар катори, бошланғич синф ўқувчилари учун сал мураккаб маъноли сўзлар катори ва таянч синфлар учун даражали муносабатга киришувчи барча сўзлар катори танланиши назарда тутилган.

“Сўзлараро даражаланиш ўқув луғатлари учун тил birlikларини танлаш ва тартиблштириш” деб номланувчи иккинчи боб сўзлар даражаланиши луғатига турли хил ёш гуруҳлари учун даражаланиш каторини тузиш, сўз танлаш ва уларни луғат учун тартиблштириш масаласига қаратилган.

“Боғча тарбияланувчилари учун сўзлар даражаланиши луғатига сўз танлаш ва уларни луғат учун тартиблштириш масаласи” фаслида боғча тарбияланувчилари учун градуономмик каторни тузиш, ёшига хос бўлган даражаланиш сўзларини луғат учун киритиш масаласига қаратилган. Тил лексикаси соҳасида болаларнинг уларга таниш ёки нотаниш бўлган, аммо улар учун қийин ҳисобланган сўзларни ўзлаштиришларига, нутқ маданиятини

³⁶ Бобожонов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. — Б. 9.

оширишда луғатлардан фойдаланиш ижобий самара беради. Болалар луғатини бойитиш бир вақтнинг ўзида уларни атрофдаги борлиқ олам билан таништириш орқали олиб борилади. Тарбиячи болага бир сўзни маълум қилиш ва унинг маъносини очиб бериш билан бир вақтда уни номи айтилаётган нарса ёки ҳодисага нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўргатади.

Таъкидланганидек, даражаланиш катори камида учта сўздан иборат бўлади. Масалан, *аччиқ — тахир — нордон — чучук — ширин* даражаланиш катори сўзларнинг маза-таъмини меъёрдан ортиқ-камлигини ифодалаш белгисига кўра даражаланиш каторидир. Боғча ёшидаги болага *аччиқ, чучук, ширин* сўзларнинг маъноларини тушуниб олиш қийинчилик туғдирмайди. *Тахир* ва *нордон* сўзларнинг маъноларини тушуниш эса боғча ёшидаги бола учун бирмунча қийинчилик туғдиради ва боланинг ёшига нисбатан бу сўзлар мураккаб ҳисобланади. Шу боис даражаланиш каторидаги birlikлар маъноси ўқитувчи/тарбиячи томонидан изоҳланиши, тушунтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Боғча тарбияланувчиси учун сўзлар даражаланиш луғатига сўз танлашда, албатта, боланинг ёши, луғат бойлиги микдори ва таркиби эътиборга олинishi шарт. Тадқиқот давомида Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 432-сон мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг сўзлар даражаланиши, сўз маъноларини англаш даражаси синовдан ўтказилди. Тажриба-синов жараёнида қўлланган даражаланувчи сўзлар тахлилга эътибор қараганиз: *кичик — кичкина — митти* сўзлари белгини кучли ифодалашига кўра даражали каторни хосил қилади. Ушбу сўзларнинг маъносини тушуниш боғча ёшидаги бола учун қийинчилик туғдирмайди. *Лаҳза — он — сония — дақиқа — соат — кун — сутка — ҳафта — ой — йил — аср — эра* сўзлари эса вақт микдорининг ортиқ/камлигини ифодалашига кўра даражаланиш каторини хосил қилмоқда ва катордаги барча сўз маъноси боғча ёшидаги бола учун нотаниш. *Сония, дақиқа, соат, кун, сутка, ҳафта, ой, йил* кабилар бола учун қайсибир маънода тушунарли бўлиши мумкин. Лекин лунёнинг лисоний манзарасини энди англашга киришган болага сўзлар орасидаги нозик фарқни доим ҳам тушунмайди. Одатда, бола *ҳафта, ой, йил* каби тушунчаларни “нечта ухласам, келади?” саволи ёки бармоқчалари орқали санаб билан англашга ҳаракат қилади. *Лаҳза — он — эра — аср* сўзларининг маъносини тушуниш эса боғча ёшидаги бола учун анча қийинчилик туғдириши табиий. *Лаҳза, он* сўзлари кўпроқ бадий услубда қўлланиб, боланинг лисонида лексема сифатида хали мавжуд бўлмайди. *Эра, аср* кабиларнинг маъносини англаш учун эса бола даставвал *кун, ой, йил* каби тушунчаларни фарқлаши керак бўлади.

Мактабгача ёшда бола шундай луғатга эга бўлиши лозимки, токи у болага тенгдошлари ва катталар билан мулоқот қилиш, мактабда муваффақиятли таълим олиш, адабиётни, телевизион ва радио эшиттиришларини тушуниш имконини берсин.

“Бошланғич синф учун сўзлар даражаланиши луғатига сўз танлаш ва уларни луғат учун тартиблштириш масаласи” фаслида бошланғич синф ўқувчилари учун градуономмик каторни тузиш, бошланғич синф ўқувчисининг ёшига мос сўзларни луғат учун киритиш масаласи ёритилган. Ўқув луғати

билан ишлаш мактаб ўқувчисининг нафақат мустақил фикрлаш қобилиятини, балки, нутқий саводхонлиги, сўз бойлигининг ошишига ҳам хизмат қилади.

Луғат учун сўз танлаш ҳар қандай луғатни тузишда асосий муаммолардан биридир. Ўқув луғатидаги сўзларнинг ўзига хос белгиси энг зарур, энг муҳим маълумотларни камраб олиши, аниқ, қисқа, лўнда бўлишидир. Шунини айтиб ўтиш керакки, луғатда сўз йиғиш мезонларининг ҳеч бири барча ўқув луғатлари учун бирдек қолип бўла олмайди, луғат мавзуси ва мақсаддан келиб чиққан ҳолда муайянлаштирилади.

Бошланғич синф ўқувчилари учун даражаланиш луғатига сўз танлашда нутқда фаол қўлланадиган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки бошланғич синф ўқувчисининг сўз бойлиги ҳали тўлақонли шаклланмаган бўлади, улар нотаниш сўзларга кўп дуч келиши табиий. Маъноси ҳали ноаниқ сўзларни дарс машгулотларида ўқитувчи ёрдамида, кўшимча топшириқлар орқали ўзлаштириб олиши мумкин. Даражаланиш қаторидаги нофаол қўлланадиган сўзларни таянч синфлар учун танлаш ҳам лозим. Таянч синфларнинг синф ўқувчилари учун содда маъноли сўзларни, бошланғич синф ўқувчилари учун маъноси сал мураккаб бўлган сўзларни ва таянч синфлар учун эса даражаланиш қаторидаги барча сўзларни киритиш ва луғат учун тартиблаштириш лозим.

Градуонимик қатор учун танланган лексемалар изоҳи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га таяниб, даражаланиш луғати фойдаланувчисининг ёшини инобатга олган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

“Таянч синфлар учун сўзлар даражаланиши луғатига сўз танлаш ва уларни луғат учун тартиблаштириш масаласи” фаслида таянч синфлар учун даражаланиш луғатига сўз танлаш билан боғлиқ масалалар талқини ёритилган. Сўнгги йилларда мактаб ўқувчилари учун бир қанча ўқув луғатлари яратилди. Ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш учун ҳар бир дарсда луғат ишларини олиб бориш керак. Адабий тилининг луғат бойлигини пухта эгаллаш учун мактаб ўқувчилари ўз она тилини; унинг грамматикасини, имлосини, сўзларни тўғри қўллашни, умуман, изчил нутқни пухта эгаллаши зарур. Бунинг учун дарсларда болаларнинг фаол сўз бойлигини кенгайтиришга, шунингдек, нутқини тўғри ва ифодали қиладиган сўзларни ўз луғатларидан танлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган машқлар қатта ўрин эгаллаши мақсадга мувофиқ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, таянч синфлар учун даражаланиш луғатига сўз танлашда даражаланиш қаторига мансублик касб этадиган барча сўзларни киритиш лозим. Чунки бола юқори синфга ўтганда, унинг фаол луғати шаклланади, ўз устида мустақил ишлай олади. Даражаланиш қаторидаги баъзи сўзлар юқори синф ўқувчиси учун тушунарсиз бўлса-да, изоҳли луғат асосида сўз маъносини аниқлаш, ўзлаштириш имконияти мавжуд.

Даражаланиш қатори хосил қилган лексик бирликлар сирасига эътибор қаратамиз:

Қана – чайла – қулба – ҳужра – хона – уй – ҳовли – қаср – сарой – қошона – қўшқ (ҳашамлик белгисининг ортиқ-камлигига кўра).

Камбагал – қашшоқ – бечора – фақир – йўқсил – гадо – бечораҳол – мискин (белгисининг бўёқдорлигига кўра).

Мазкур мисоллар сирасини яна давом эттириш мумкин. Бу сўзларнинг маънолари таянч синф ўқувчилари учун қийинчилик туғдирмайди. Таянч синфлар дейилганда 5-9-синфлар назарда тутилади. Англашладикки, 5-синф ўқувчиси билан 9-синф ўқувчисининг луғат бойлигида ёш, тилга оид билими билан боғлиқ фарқ сезилиши табиий. Таянч синфлар даражаланиш луғатига сўз танлашда даражаланиш қаторидаги барча сўзларни луғат учун киритишни маъқул топдик. Даражаланиш қаторидаги баъзи бир сўзлар таянч синфда таҳсил оладиган боланинг кундалик ҳаётида кам ишлатилиши, яъни умумистеъмолдаги сўзлар сирасига кирмаслиги мумкин. Жумладан:

бўсалоқ – бўёра – тўя (ёшининг қатта-кичиклигига кўра);

сабил (савил) – ордона – зорманда – байталмон – эгасиз (белгини кучли/кучсиз ифодалашига кўра);

сотқин – хон – хиёнаткор – гаддор – муртад (салбийлик бўёғининг оз/кўпчилигига кўра);

